



«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”  
бошқармаси

А.Абдуранмов

2022 йил

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси”нинг  
Боботог доимий н/ст.даги  $\Phi=2840$  мм 22,4 п/м трубапроднинг емирилган  
киемини торкрет усулида қайта таъмирлаш ишлари

буйича:

## **ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВ ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ**

### **ТАНЛОВ ХУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ**

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”  
рухсат берувчи, лойиха ва танлов  
хужжатларини тайёрлаш бўлими бош  
мутахассиси \_\_\_\_\_

Ташкилот номи

2021 йил  
МУНДАРИЖА

**НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

*(Танлов иштирокчиларига тақдим этилмайди)*

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ИУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ  
СХЕМАСИ

**ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

**ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

ТАЪМИРЛАШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

БАРЧА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

“Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ”

(буюртмачи таъминловчи ном)

## **ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВ ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ**

Объект номи: **Боботог доимий и/ст.даги  $\Phi=2840$  мм 22,4 п/м трубапроднинг емирилган қисмини торкрет усулида қайта таъмирлаш ишлари.**

Объектнинг бошланғич нархи– 100 000 000,00 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –20 календарь кун.

Буюртмачи: “Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси”. (Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ёшлик кўчаси 8-уй), Тел 93-790-12-50.

**Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

- ◆ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ◆ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси “Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ” га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- ◆ Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ёшлик кўчаси 8-уй), Тел 93-790-12-50. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- ◆ Tasdiklangan танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) maxsus ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.  
*Эълон 2022 йил “04” апрел куни <http://xarid.uzex.uz/> сайтида берилган.*

“Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ”  
бошлиғи:



А.Абдураимов

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ” номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект бўйича танлов таклифини такдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Боботог доимий н/ст.даги  $\Phi=2840$  мм 10 п/м трубапроднинг емирилган қисмини торкрет усулида қайта таъмирлаш ишлари

Объектнинг бошланғич нархи– 100 000 000,00 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –20 календарь кун.

Буюртмачи: “Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ” (Термиз шаҳар Ёшлик кучаси 8 уй). Тел 93790-12-50.

**Молиялаштириш манбаси: : жорий таъмирлаш харажатлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

фукаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни такдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга руҳсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича танловга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса танлов ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада аке эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни такдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок такдим этишга мажбур.

Танлов иштирокчилари таклифлари ташкилотчи томонидан юқоридаги манзилда иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчисига таклифларни такдим этишнинг охириги муддати 2022 йил “11” апрел куни порталда белгиланган муддатгача қуйидаги манзилда: “Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ”. (Термиз шаҳар Ёшлик кўчаси 8 уй), Тел 93790-12-50.

Электрон энг яхши таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига кўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конетрукциялар ҳажмлари ҳамда бошка шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Электрон энг яхши таклифларни қабул қилиш танлов эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кун давомида.

“Аму-Сурхон ИТХб ҳузуридаги НС ва ЭБ”  
бошлиги:



А.Абдураимов



Боботоғ насос станцияси босимли кувурларини ўрганиш  
НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ

Боботоғ

«04» 04 2022 й.

Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ вакиллари:

1. Бош муҳандис: Т. Кучкинов
2. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи: Х. Мирзаев
3. Насос станциялари эксплуатация  
Қилиш бўлим бошлиғи: Х. Худойкулов
4. Боботоғ насос станцияси бошлиғи: Ч. Шотураев

“Zarbuloq Injining” МЧЖ лойиха ташкилоти вакиллари

1. Иш бошқарувчи М. Худойбердиев.

Боботоғ насос станцияси босимли кувурларини ўрганиб чиқишди

I) Умумий маълумот: Насос станция Сурхандарё вилоятининг Термиз туманида жойлашган. 1982 йилда ишга туширилган ва 2010 йилда қайта реконструкция ишлари олиб борилган. DVL900/1400 маркадаги 8 дона насос агрегатлари ўрнатилган. Иккита босимли кувур системасига эга. Агрегат кувурларининг диаметри 1420 мм №1, №2, №3 ва №4 насослар биринчи ниткага ва №5, №6, №7 ва №8 насослар иккинчи ниткага сув ташлайди. Босимли кувурларнинг хар бирининг диаметри 2840 мм, у сувни Боботоғ каналига хайдайди, узунлиги 1250 м.

II) Текшириш натижалари: Босимли кувурлар бошланиши насос станция биноси олдида жойлашган диаметри 1420 мм бўлган кувурдан кейин бошланади. Босимли кувурларнинг бошланғич қисмлари қоникарли ишчи ҳолатида бўлиб яққол бузилган ҳолатлар кузатилмайди. Босимли кувурлар ер сатҳидан 0.6-1.0 метр баландликда жойлашган бўлиб ёриқлар ҳосил бўлган жойларда сизиб чиккан сувлар кўлмакларни ҳосил қилган. Кувур тагида ҳосил бўлган сувлар, доимий ёмғир ва кўёшнинг баланд ҳарорати туфайли кувурнинг пайванд чокларида кўндаланг 10-20 смли ёриқлар ҳосил бўлган 12 та жой кузатилди. Босимли кувурларнинг юқоридаги муаммолар учратилган участкалари 22.4 метр бўлган қисмининг ушбу мавсумда торкретлаш усулида қайта тиклаш ишлари талаб этилади.

III) “Zarbuloq Injining” МЧЖ таклифи: Юқоридагиларни инобатга олиб қуйида кўрсатилган ишларни амалга ошириш босимли кувурларнинг эксплуатациясини мукаммалаштиришда энг самаралидир

- Кувур ичи ва ички юзаси лой ва занглардан тозаланади;
- Кувур ички юзаси коррозия қарши Kalmatron KF-A воситасида қайта ишланади;
- Торкретлаш бошланиши ва охириги қисмларига диаметри 12 мм бўлган арматура пайвандланади;
- Кувур ички юзаси Kalmatron K-100 кўшилган кум цементли қоришма билан 4 см қалинликда торкретлаб қопланади;
- Торкретлаб қопланган юзанинг характерли қисмлари Kalmatron KF-F билан қайта ишланади;

IV) Қабул қилинган хулоса:

1. Ушбу нуқсон далолатномаси асосида смета ҳужжатлари тайёрланади. Смета ҳужжатларини тайёрлашда қуйида кўрсатилган ишлар ҳажми асос қилиб олинади.

2. Пудратчи ташкилоти аниқлангандан кейин қуйидаги жадвалда кўрсатилган ишларни амалга ошириши талаб этилади. Кўрсатилган ишлар тури ва ҳажмидаги ҳар қандай ўзгаришлар буюртмачи томонидан танланган лойиҳа ташкилоти розилиги билан амалга оширилади.

### 1- жадвал. Иш турлари ва ҳажмлари рўйхати

№	Иш номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Қувурнинг ёрилган чокларини пайвандлаш	м	1
2	Қувурнинг тешилган жойларини ямоқлар қўйиб ямаш(чок узунлиги).	м	0.62
3	Ҳавозалар ўрнатиш	м2	81
4	Қувурнинг ички юзасини шетка ёрдамида зангдан тозалаш	м2	197
5	Қувурнинг торкретланадиган юзасини Kalmatron билан грунтлаш	м2	197
6	Торкретланадиган участка бошланғич ва тугаш қисмига диаметри 12 мм бўлган арматурани халқа шаклида пайвандлаш	м	17.6
7	Қумни элаб тайёрлаш	т	15.13
8	Қувур ички юзасини 40 мм калинликдаги қум-цементли қоричма билан торкретлаш	м2	197
9	Торкретланган юзани мўстаҳкамлаш	м2	197
10	Торкретланган участка бошланғич ва тугаш қисмини Kalmatron билан химоялаш	м2	3.4

Имзолувчилар:

Т. Кучкинов

Х. Мирзаев

Х. Худойкулов

Ч. Шотураев

М.Худойбердиев